

САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИ ВА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ — МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 11 март куни саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришни янада кенгайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 24 январдаги қарори билан 2022 йилга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва саноат кооперациясини кенгайтириш дастури қабул қилинган эди. Унга мувофиқ, 2 минг 455 та лойиҳа доирасида қарийб 37 триллион сўмлик янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Йиғилиш аввалида ушбу лойиҳалар ижроси танқидий таҳлил қилинди. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, “Ис-сиклик электр станциялари” акциядорлик жамиятида бу борада сусткашликка йўл қўйилгани кўрсатиб ўтилди. “Электрон кооперация” портали орқали тузилган шартномалар айрим ҳудудларда бажарилмаган. Электрон савдоларда Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Сурхондарё ва Хоразмдаги корхоналар улуши 1 фоизга ҳам бормайди. Кооперация етишмаслиги сабабли юртимизда ишлаб чиқариш мумкин бўлган айрим товарлар импорти ошган.

— Бугунги ўзгарувчан шароитда иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашнинг энг самарали йўли бу — ички имкониятларни ишга солиш, импорт бўлаётган айрим маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш ва саноатни янада ривожлантириш. Бу миллий иқтисодиётимизнинг устувор йўналиши бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда шу борадаги муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Йирик корхоналар билан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперацияни маҳсулотлар кесимида йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Мисол учун, Навоий кон-металлургия комбинати хориждан олаётган маҳсулотлар ва уларга техник талаблар ҳақидаги маълумотларни “кооперация

портали”га жойлаштиргандан сўнг илгари импорт қилинган 600 миллиард сўмлик маҳсулотларни ҳозир 18 та маҳаллий корхона етказиб бermoқда.

Президент бу тажрибани барча тармоқ ва ҳудудларда йўлга қўйиш, импорт қилинаётган маҳсулотларни ўзлаштиришга тадбиркорларни жалб этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу мақсадда саноат ярмаркалари ўтказиш тартиби ҳам ўзгартарилади. У ерда тайёр маҳсулотга харидор топиш билан бирга, ўзлаштиришга тавсия қилинаётган товарлар бўйича бизнес-режалар ҳам ишлаб чиқилади. Лойиҳага қизиққан тадбиркорлар шу ернинг ўзида буюртмачи билан харид шартномаларини, банклар билан молиялаштириш масаласини келишиб олади.

Бунинг учун “Ўзэкспомарказ” да доимий ишлайдиган саноат кўргазмаси, виллоят марказлари ва саноат зоналарида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг “шоу-рум”лари ташкил этилади.

Шу билан бирга, янги лойиҳаларнинг маркетинг тадқиқотлари, маҳсулотни хорижда сертификатлаш харажатларининг бир қисми қоплаб берилиши айтилди.

Йиғилишда жаҳон бозорига рўй бераётган ўзгаришлар атрофича таҳлил қилинди.

Хомашё олиб келиб, божхона ҳудудида қайта ишлаб, экспорт қиладиган корхоналарга апрелдан бошлаб қатор имтиёз ва енгилликлар берилиши белгиланди. Жумладан, уларнинг лойиҳалари учун техник-иқтисодий асос, маҳсулот сертификати, божхона тўловлари таъминоти талаб этилмайди, уларга рухсатнома бериш муддати 3 баробар қисқаради, олиб келинган дастуҳлар учун божхона божлари ундирилмайди.

Янги бозорларга кириш учун саноатга халқаро стандартларни кенг жорий қилиш ҳам зарур. Мисол учун,

2019-2021 йилларда тўқимачилик йўналишидаги 2 мингта корхона халқаро сертификат олгани ҳисобига уларнинг экспорти 1,5 баробарга ошган.

Қолаверса, яқинда “Cotton Campaign” халқаро коалицияси Ўзбекистон пахтасига бойкотни бекор қилди. Бу ҳам катта имконият, янги бозорлар, дегани.

“Ўзстандарт” агентлигига халқаро сертификатга эга корхоналарни бошқа тармоқларда ҳам кўпайтириш, ҳудудлардаги “Лойиҳа офислари” ҳузурида Халқаро стандартларни ўргатиш марказларини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Юртимизда хомашё бўлган яна бир саноат тармоғи бу — қурилиш материаллари. Бу борадаги геология захирасини кенгайтиришга 100 миллиард сўм ажратилган. Жорий йилда 1 миллиард 800 миллион долларлик 420 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Мутасаддиларга ушбу лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш, қурилиш материаллари экспорти ҳажминини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Фармацевтика тармоғида мавжуд қувватларни тўлиқ сафарбар этиш ва импорт ўрнини тўлдириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Маълумки, саноат корхоналари илм ва инновациядан ажраб қолса, янги рақобат шароитига мослашиши қийин бўлади. Шунинг учун Инновацион ривожланиш вазирилик ҳудудлардаги корхоналарни замон талабига уйғунлаштириш, маҳсулот сифатини оширишга кўмаклашиш бўйича вазифалар юклатилди.

Йиғилишда саноат тармоқлари ва йирик корхоналар раҳбарлари, ҳокимлар сўзга чиқди.

ЎЗА

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

МУСТАҲКАМ ОИЛА, ФАОЛ ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИНИ БЕЛГИЛАЙДИ



Аёл — жамият кўзгуси, миллат тарбиячиси. Унинг меҳр-муҳаббати келажакимиз эгаларининг жонажон Ватанимиз равнақи ва осойишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлида садоқат билан хизмат қиладиган баркамол инсонлар сифатида воғга етишида муҳим омил ҳисобланади.

Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улўғ аждодларимиз, маърифатпарвар жадид боболаримиз ҳам оиланинг тинч, мустаҳкам ва фаровон бўлишида, фарзандлар тарбиясида аёлнинг ўрни ва таъсири беқиёс эканини алоҳида таъкидлаганлар.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар қандай жамият ва давлатнинг қай даражада халқпарвар ҳамда адолатли экани унинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва ғамхўрлиги билан белгиланади. Шу маънода, сўнгги пайтларда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг

иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жорий йил март ойининг бошида ушбу соҳада икита тарихий фармон қабул қилингани ҳам шундан далолат беради.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил қиладди. Аёлларнинг барча соҳалардаги самарали меҳнати, айниқса, фарзандлар тарбияси, жамият ва оила ҳаётидаги улкан хизматларини ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди.

Утган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг таълим ва касбий кўникмалар олиши ҳамда бандлигини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш соҳаларида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, аёл қадри, инсон қадри улуғланган юрда тинчлик ва фаровонлик, аҳиллик ва баракка, албатта, барқарор бўлади.

▶ Давоми 3-бетда

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

ОДИЛ ВА МУСТАҚИЛ СУД — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПОЙДЕВОРИ

“Судьянинг онгида — адолат, тилида — ҳақиқат, дилида — поклик бўлиши керак”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакат суд тизими вакиллари, ўзбек судьялари олдига ана шундай ҳаққоний талабни қўйди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 июнда судьялар билан бўлиб ўтган биринчи тарихий учрашувида сўзлаган нутқида суд тизимини фуқароларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган адолат қўрғонига айлантиришдек устувор мақсад ўз мужассамини топган.



Президентимиз Олий Мажлисга 2017 йил 22 декабрдаги Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Судларнинг асосий вазифаси адолатни қарор топтиришдан иборат. Бунинг учун суд ҳар бир иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариши лозим”.

Харакатлар стратегияси Ўзбекистон Конституциясини такомиллаштириш учун асос бўлиб, Асосий қонунимизга муҳим ўзгаришлар киритилди. Хусусан, 2017 йил 6 апрелда Конституциянинг 7 та моддасига киритилган

тузатишларда куйидаги 3 та устувор вазифа: **биринчидан**, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини кенгайтириш;

иккинчидан, одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритувининг сифатини ошириш;

учинчидан, номзодларни танлаш ва судьялар лавозимларига тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналишлари сифатида мустаҳкамлаб қўйилди.

Янги Ўзбекистон: суд тизими ва халқаро ҳуқуқ

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жиноий таъвозулардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, шунингдек, инсон шаъни ва қадриятини қамқолишга, қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда билиб-билмасдан жиноят йўлига кириб қолган йигит-қизларимиз ёки аёлларимиз ишлари Ёшлар иттифоқи, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ташкилотлари кафилиги асосида қўриб чиқиши ижобий натижаларни бермоқда.

Яна бир аҳамиятли жиҳат: жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтариш институти бекор қилинди ва далилларга баҳо бериш институти такомиллаштирилди. Бу, ўз навбатида, иш бўйича барча ҳолатлар судда ҳар томонлама текширилиб, далилларга ҳолисона баҳо берилган ҳолда оқлов ҳукмлари қўйилишига асос яратди.

Бунинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгайтирилган Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян ҳам алоҳида эътибор эди.

Одил судловни амалга оширишга қаратилган халқаро ҳуқуқ нормаларини бажариш борасида:

биринчидан, суд ҳокимиятини демократлаштириш, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолат тамойилларини ҳаётга таъбиқ этиш, суд ҳокимияти мустақиллигини, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, “хабеас корпус”

институтини кенгайтириш, суд тизимини мустаҳкамлаш, шунингдек, тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш бўйича самарали чора-тадбирлар қўрилди;

иккинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, низоларни судгача ҳал этиш, тарафларни яраштиришда адвокатларнинг ваколатлари кенгайтириш. Суд ишларининг адолатлилиги, очикилиги ва ошқоралигини таъминлаш учун “электрон адолат” тизими жорий этилди;

учинчидан, жаҳрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тизими яратилди. Нодават суд-экспертиза ташкилотларини тузишга йўл очилди. Бугунги кунда тинтув, воқеа жойида олинган кўрсатмаларни текшириш, тергов эксперименти каби процессуал ҳаракатларни видеотасвирга олиш орқали мажбурий қайд этиш талаблари қонун билан мустаҳкамланди;

тўртинчидан, маъмурий, жиноий, жиноий-процессуал, жиноий-ижроия, фуқаролик ва иқтисодий қонунийлик такомиллаштирилмоқда. Жамоат бирлашмалари кафолати остида шахсларни афв этиш ва жазодан озод қилишнинг мутлақо янги тизими жорий этилди. Жаслик ихтисослаштирилган колониасининг ёпилиши муҳим воқеа бўлди;

бешинчидан, фуқароларимиз ҳуқуқлари ва манфаатларини, қаерда бўлишларидан қатъи назар, ҳимоя қилиш ва уларнинг Ўзбекистонга қайтиши учун барча зарур шароитлар яратилган. Мисол сифатида Яқин Шарқ ва Афғонистондаги қуролли можаролар ҳудудларидан 541 фуқаромиз, асосан, аёллар ва болалар Ватанимизга қайтариб келтирилганини айтиш мумкин.

▶ Давоми 4-бетда

ЭЪТИРОФ

ЎЗБЕК ПАХТАСИГА ҚЎЙИЛГАН ГЛОБАЛ БОЙКОТ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Бу иқтисодиётимиз учун қандай аҳамиятга эга?

Меҳнат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, инвестор ва бизнес ташкилотлар халқаро коалицияси ўзбек пахтасига бойкотни бекор қилди. “Cotton Campaign” халқаро коалицияси раҳбари Беннет Фриман пойтахтимизда ўтказилган учрашувида 2021 йилда пахта йиғим-теримига болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилгани муносабати билан қабул қилинган ушбу муҳим қарор ҳақида билдирди.

▶ Давоми 2-бетда





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг янги даврида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рақобат муҳитини янада яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш орқали истеъмолчилар, яъни аҳолига сифатли ва арзон маҳсулотлар етказиб бериш (хизматлар кўрсатиш) бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари рақобатни ривожлантириш соҳасига ҳам катта эътибор қаратиб, 2020 йил 28 май кунги ўтказилган йиғилишда: **“Рақобат бўлмаса, сифат бўлмайди, нарх тушмайди. Замон ўзгаряпти, лекин монопол корхоналар ўзгара олмаяпти. Қатъий чоралар кўриш вақти-соати келди. Иқтисодиётда бу ҳаёт-мамотимиз”,** деб таъкидлаган эди.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Транспорт вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Фармон ижросини таъминлаш бўйича мамлакат иқтисодиётида рақобат муҳитини янада ривожлантириш борасида бир қатор тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан:

2020-2024 йилларда рақобатни ривожлантириш стратегияси тасдиқланиб, рақобат муҳитини яхшилаш давлат органларининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди;

товар бозорида беш ва ундан ортиқ бизнес субъекти фаолият юритиб келаётган соҳаларда давлат иштирокидаги корхоналар таъсис этилишига чеклов жорий қилинди;

давлат органлари томонидан ўзларига лицензиялаш, рўйхатга олиш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш ваколати берилган соҳаларда, шунингдек, ягона етказиб берувчи бўлган ёки бундай ҳуқуқ берилган ёхуд устун (монопол) мавқега эга давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлари томонидан давлат иштирокида корхоналар таъсис этилишига чекловлар киритилди;

барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда рақобат муҳитига таъсирни мажбурий баҳолаш белгиланди;

давлат органлари ва монопол корхоналарда фаолиятнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш ва улар бузилишининг олдини олиш бўйича монопольга қарши комплекс тизими 46 та ташкилотда (давлат бошқаруви 22 та, маҳаллий ҳокимиятнинг 14 та оранжид ва давлат иштирокидаги 10 та корхонада) жорий этилди;

товар-хомуш биржалари орқали амалга оширилаётган савдоларни тартибга солишни такомиллаштириш бўйича бир қатор янги механизмлар жорий қилинди ҳамда унда юқори ликвидли ва монопол маҳсулотлар сони кенгайтирилиб, 27 тадан 45 тага етказилди.

Бундан ташқари, 17 та товар ва хизмат бозорига кириш эркинлаштирилиши сабабли етарли рақобат шаклланди ва монопольга ҳолатидан чиқарилиб, монопол корхоналар сонини 2017 йилдагига нисбатан 20 фоиз камайтириш ҳамда шу каби бир қатор ишлар амалга оширилди.

Муҳокамалар жараёнида соҳада бажарилган ишлар билан биргаликда бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолаётгани мутасадди раҳбарларга кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида рақобатни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шартлар яратишни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида 2022 йилда амалга оширилаётган куйидаги бир қатор муҳим вазифалар белгилаб олинди:

биринчи, моноплашган бозорларда айрим хўжалик юритувчи субъектларга берилган эксклюзив ҳуқуқлар, индивидуал солиқ ва боғжона имтиёзлари ҳамда преференцияларни бекор қилиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш;

иккинчи, энергетика соҳасида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, барча иштирокчиларга тенг имкониятлар бериш ва нархларни шакллантиришнинг шаффоф механизмларини жорий қилиш бўйича тегишли чоралар кўриш;

учинчи, янги таҳрирда ишлаб чиқилган “Рақобат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини малакали халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда такомиллаштириш;

тўртинчи, товар-хомуш биржалари ва уларнинг профессионал иштирокчилари фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқиш;

бешинчи, темир йўл транспорт хизматлари бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

олтинчи, фармацевтика соҳасида дори-дармон номларини рўйхатга олиш тартибини такомиллаштириш чораларини кўриш.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлиси якуни бўйича қарори қабул қилинди.

ЭЪТИРОФ

ЎЗБЕК ПАХТАСИГА ҚЎЙИЛГАН ГЛОБАЛ БОЙКОТ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Бу иқтисодиётимиз учун қандай аҳамиятга эга?

Нодир ЯКУБОВ,
бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири
ўринбосари



“Халқаро нормаларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш мақсадида бугунги кунгача Халқаро меҳнат ташкилотининг 19 та конвенцияси ва битта баённомаси ратификация қилинди. Ўзбекистон 2014 йилда Халқаро меҳнат ташкилотининг Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-Конвенциясига Баённомани ратификация қилган Марказий Осиёдаги илк давлат бўлди.

Бошланиши 1-бетда

Сўнги йилларда эришилган ижобий натижалар, хусусан, юртимиз пахта далаларида мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасида сезиларли ютуқларга эришилгани, соҳада кўп йиллардан буён сақланиб келаётган муаммолар ҳал этилгани мазкур бойкотни олиб ташлаш учун асос бўлди.

“Cotton Campaign” халқаро ноҳуқмат ташкилоти (халқаро коалиция)га уюшган 300 дан ортиқ тўқимачилик ва савдо компанияси гуруҳи пахта йиғим-теримида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланилаётгани баҳонасида 2011 йилдан бери Ўзбекистон пахта маҳсулотларига тақиқ (бойкот) эълон қилганда. Ушанда дунёнинг кўплаб йирик брендлари ўзбек пахтасига нисбатан бойкотга амал қилиш мажбуриятини олди.

Натижада Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг маҳаллий корхоналари 10 йилдан ортиқ вақт давомида АҚШ, Европа Иттифоқи ва бошқа мамлакатлар бозорига маҳсулот етказиб бериш бўйича йирик хорижий компаниялар (брендлар) билан ҳамкорлик қилишда тўсиқларга дуч келаётганди.

Президентимиз 2017 йил 19 сентябрь кун БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича таъсирчан чоралар куриллаётганини алоҳида таъкидлаганди.

Уша йилдан бошлаб Ўзбекистон ҳуқумати коалиция аъзолари билан “пахта бойкоти”ни бекор қилиш мақсадида тизимли мулоқот олиб борди.

Давлатимиз раҳбарининг кучли сиёсий иродаси туфайли инсон ҳуқуқ ва

эркинликларини таъминлашнинг мутлақо янги тизими яратилди. Шу билан бирга, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш, унга бозор тамойилларини кенг татбиқ этиш, соҳани механизациялаштириш, меҳнат учун муносиб ҳақ тўлаш борасида амалга оширилган ишлар мамлакатимизда болалар меҳнати, мажбурий меҳнатнинг олдини олишда асосий омил бўлди.

Бунинг натижасида болалар меҳнатига барҳам берилди. Қишлоқ хўжалиги ишлари, худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш даврида мажбурий меҳнатдан фойдаланиш амалиётига чек қўйилди.

Бу борада 2019-2021 йилларда 32 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро миграция ташкилотининг қатор конвенция ҳамда баённомалари ратификация қилинди. Болалар меҳнати, мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жавобгарликни

Фармонга асосан, одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси ташкил қилинди ва миллий маърузачи институти таъсис этилди. Миллий комиссия томонидан мамлакатда давлат идоралари, фуқаролик жамияти институти, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш фаолияти мувофиқлаштириб келинмоқда.

Сўнги уч йилда мазкур йўналишдаги фаолиятни тизимга солиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, ХМТ ва Жаҳон банки тавсиялари асосида миллий қонунчилигимиз такомиллаштирилди: мажбурий меҳнат учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилди, болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик киритилди, пахта етиштириш квоталари бекор қилинди.

Миллий комиссия томонидан 2019 йил октябрь ойида Халқаро меҳнат ташкилоти, АҚШ Давлат департаменти, “Cotton Campaign” ва “Human Rights Watch” халқаро ташкилотлари тавсияларини инобатга олган ҳолда, одам савдоси ва мажбурий меҳнат соҳасида Ўзбекистоннинг позициясини яхшилашга қаратилган “йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

Пахта йиғим-терими мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ва теримчилар учун муносиб меҳнат шартлари яратиш бўйича миллий комиссия раиси томонидан парламент назорати ўрнатилди. Хусусан, сенаторлар, депутатлар, журналист ва блогерлардан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, мавсум давомида республикамизнинг барча туманларида кластерлар, фермер хўжаликлари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда ўрганиш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, давлат меҳнат инспекторлари томонидан мажбурий меҳнат бўйича аҳолидан тушган мурожаатларни ўрганиш йўлга қўйилди. Мониторинглар натижасида 2019 йилда 259 нафар (пахта мавсумида 132 нафар), 2020 йилда 103 нафар (пахта мавсумида 41 нафар), 2021 йилда 75 нафар (пахта мавсумида 5 нафар) мансабдор шахс мажбурий меҳнатга йўл қўйгани сабабли маъмурий жавобгарликка тортилди.

Сўнги беш йилда мамлакатда оммавий мажбурий меҳнат бутунлай барҳам топди. Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистонда 2021 йилги пахта йиғим-терими мониторинги бўйича учинчи томон ҳисоботида теримчилар билан ўтказилган ўн бир минг суҳбатга асосланган ҳолда 2021 йилги пахта теримида жалб қилинганларнинг 99 фоизи ихтиёрий равишда меҳнат қилгани айтилади. Барча вилоят ва туманларда мажбурий меҳнат ҳолатлари жуда кам ёки умуман бўлмаган.

Ўзбек пахтасидан бойкотнинг олиб ташланиши, биринчи навбатда, тўқимачилик соҳасида уч юздан ортиқ халқаро бренд билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш, тўқимачилик саноатида дунёдаги етакчи корхоналарнинг Ўзбекистон бозорига кириб келишига имкон яратади. Тайёр маҳсулотларни Европа давлатлари ва АҚШга экспорт қилиш, минглаб янги иш ўринлари яратиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида халқаро стандартларни жорий этиш, тўқимачилик маҳсулотларининг экспорт ҳажминини ошириш ҳамда соҳада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.



**ХМТ ВА ЖАҲОН
БАНКИ ТАВСИЯЛАРИ
АСОСИДА МИЛЛИЙ
ҚОНУНЧИЛИГИМИЗ
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ:
МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ
УЧУН МАЪМУРИЙ
ЖАВОБГАРЛИК
КУЧАЙТИРИЛДИ,
БОЛАЛАР ВА
МАЖБУРИЙ МЕҲНАТДАН
ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН
ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК
КИРИТИЛДИ, ПАХТА
ЕТИШТИРИШ КВОТАЛАРИ
БЕКОР ҚИЛИНДИ.**

кучайтириш энг самарали чора-тадбирлардан бири бўлди.

Халқаро нормаларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш мақсадида бугунги кунгача Халқаро меҳнат ташкилотининг 19 та конвенцияси ва битта баённомаси ратификация қилинди. Ўзбекистон 2014 йилда Халқаро меҳнат ташкилотининг Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-Конвенциясига Баённомани ратификация қилган Марказий Осиёдаги илк давлат бўлди.

Президентимизнинг 2019 йил 30 июлдаги фармони билан одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши кураш соҳасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги имжонини оширишда давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг янги тизими яратилди.

ЭРОННИНГ ШҲТГА КИРИШИ ТАРТИБИ КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Тошкент шаҳрида 11 март кун Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ва Эрон Ислоҳ Республикаси ваколатли вакилларининг маслаҳатлашуви якунлари бўйича Протоколни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ҳужжатда Эрон томонининг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш бўйича мажбуриятлари тўғрисидаги Меморандум лойиҳаси маъқулланди.

Тадбирда мамлакатимиз Ташқи ишлар вазири ҳамда ШҲТнинг доимий фаолият юритувчи тузилмалари мутасаддилари, аъзо давлатлар миллий координаторлари, шунингдек, Хитой

ва Эроннинг Тошкентдаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ҳамда ходимлари иштирок этди.

Мазкур Протокол имзоланиши ўтган йили Душанбе шаҳрида ташкил этилган ШҲТ саммитида саккиз давлат раҳбарларининг Эронни ташкилотга аъзолликка қабул қилиш тартибини бошлаш тўғрисидаги қарорини

рўёбга чиқариш йўлида муҳим амалий қадам бўлди.

Ҳужжат Эрон томони аъзо бўлгандан кейин ШҲТ Хартиясини, халқаро шартномалар ва тузилма доирасида қабул қилинган ҳужжатлар мақсад ва тамойилга риоя қилиш, аъзо давлатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда ШҲТнинг халқаро ва минтақавий масалалардаги нуфузини оширишга ўз хиссасини қўшишга тайёрлигидан далолат беради.

Жараённинг навбатдаги босқичи жорий йил сентябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтадиган ШҲТ саммити

доирасида Мажбуриятлар тўғрисидаги меморандумни имзолаш ва ушбу мажбуриятларни бажаришдан иборат бўлади. Шундан сўнг ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари Эронга ШҲТга аъзо давлат мақомини бериш масаласини кўриб чиқади.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Владимир Норов Эрон 2005 йилдан буён қузатувчи давлат сифатида ШҲТ фаолиятида иштирок этиб келаётганига эътибор қаратди. Мамлакат минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича асосий органлар

ийгилишларида ва маслаҳатлашувларда мунтазам иштирок этади. Хусусан, Эрон Ислоҳ Республикасининг ваколатли тузилмалари ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси билан амалий алоқа ўрнатган ва бу борада фаол иш олиб бормоқда.

— Эрондек давлатнинг ШҲТга кириши ташкилотнинг “географик масъулия” худудини кенгайтиради, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш учун янги, истиқболли йўналишларни очди, — деди В.Норов. — Ташкилотимиз Евроосиё маконида кенг трансконтинентал ҳамкор-

лик сари ишонч билан бормоқда. Бу, шубҳасиз, минтақавий ва глобал кун тартибидagi долзарб масалаларга янги қараш имконини беради.

Маросимда видеоконференцалоқа шаклида иштирок этган ШҲТ Бош қотиби Чжан Минг ушбу тадбирни ташкил этгани учун ШҲТга раислик қилаётган Ўзбекистон томониغا, Эронни ШҲТга аъзолликка қабул қилишга қаратилган келишув ҳужжатлари бўйича тизимли мувофиқлаштирилган ишлар учун барча томонларга миннатдорлик билдирди.

Маслаҳатлашувларда сўзга чиққан делегациялар вакиллари Ўзбекистон томонининг ШҲТга раислик доирасидаги саъй-ҳаракатларини, жумладан, ташкилотнинг халқаро ролини мустақамлаш, нуфузини янада ошириш йўлидаги ижобий ишларини таъкидладилар.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ВА ДУНЁ

Рустам ҲОТАМОВ, Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиғи

XX асрнинг иккинчи ярмидан сўнг терроризм давлатлар ички муаммосидан замонавий таҳдидларнинг тажовузкор кўринишига, халқаро аҳамиятга молик ҳодисага айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) унга қарши курашиш масаласига ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб алоҳида эътибор қарата бошлади.

БМТ умуммажбурий универсал ҳужжатларни қабул қилгани ҳамда ихтисослаштирилган органларнинг ташкил этилгани ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида терроризмнинг олдини олиш ва турли шаклларида барҳам бериш бўйича халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш заруратини таъқозо этади. Ҳозирга қадар нуфузли ташкилот ташаббуси билан бу борада 19 та халқаро шартнома, шунингдек, БМТ Хавфсизлик кенгашининг 50 га яқин қарор ва фармойиши ишлаб чиқилган. Ушбу халқаро ҳужжатларнинг аксариятида терроризмга қарши курашининг асосий тамойиллари, хусусан, унинг барча шакли ва кўринишларини кескин қоралаш, халқаро терроризмга қарши курашиш соҳасида яқин ҳамкорликни ривожлантириш, бунда ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш, инсонларнинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бузишдан бош тортиш каби муҳим жиҳатлар ўз аксини топган.



— террорчиларни тайёрлаш бўйича ўқув-машқ базалари ва лагерларини аниқлаш, уларнинг ҳаракат йўналишларига тўсиқ қўйиш ҳамда минтақа мамлакатлари ҳудудида террорчилик ҳаракатларини содир этишга тайёргарликни фойда қилиш;

— Яқин Шарқ мамлакатларидаги қуролли можаролар ҳудудларидан қайтган шахсларни реабилитация қилиш ва фаровон турмушга қайтариш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш ва ҳоказо.

Диний радикаллаштиришга олиб келадиган сабаб ва омилларни бартараф этиш бўйича профилактика чораларини қўллаш Марказий Осиё давлатларининг ўзига хос хусусиятидан бири ҳисобланади. Ушбу чора-тадбирлар, биринчи навбатда, аҳолининг энг заиф қатламларини ҳимоя қилишга қаратилади. Айна мақсад йўлида ёшларни ишга жойлаштириш, уларнинг сифатли таълим олишига алоҳида эътибор қаратган ҳолда ёшлар соҳасида бир қатор концептуал ҳужжатлар қабул қилинган. Айна Президентимиз ташаббуси билан БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси, Бош Ассамблеянинг "Маърифат ва диний бағрикенглик" махсус резолюцияси қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари ШХТга аъзо давлат раҳбарлари кенгашининг 2018 йилдаги йиғилиши доирасида ёш авлодда терроризм ва экстремизм мафқурасига қарши барқарор иммунитетни шакллантириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди ва Ўзбекистоннинг ташаббуси билан Ёшларга қўшма мурожаат ва унинг қоидалари ижроси бўйича Ҳаракатлар дастури қабул қилинди. Қўшма ҳаракатлар режаси доирасида амалга оширилган бу саъй-ҳаракатлар минтақа



Сиёсий жараёнларни таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида сифатли ўзгариш юз бермоқда. Шунингдек, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари томонидан яхши кўшничлик, ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқлик тамойилларига асосланган тизимли сиёсий мулоқот олиб борилиши минтақадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш ҳамда сиёсий кескинликни камайтириш имконини берди. Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорлик масалаларида янги ёндашуви минтақадаги барча мамлакатлар томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига сабаб бўлди. Президент

“ Терроризмга қарши курашнинг умумжаҳон стратегияси доирасида БМТга аъзо барча давлатлар илк бор терроризмга қарши курашнинг умумий стратегик ва тезкор ёндашуви қўллашга келиши олди ва унга қарши курашишда индидуал ва жамоавий тартибда амалий чораларни кўра бошлади. Стратегияни амалга оширишда аъзо давлатлари қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкилот томонидан 2017 йил 15 июнда қабул қилинган 71/291-сонли резолюция билан БМТнинг терроризмга қарши кураш бошқармаси таъсис этилди. Бошқарма ваколатлари юқорида кўрсатилган стратегия ва Бош Ассамблея резолюциясида келиб чиқади.

ҚЎШМА ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ

ҳам минтақавий, ҳам халқаро хусусияти билан долзарб аҳамиятга эга

Шундай бўлса-да, бу долзарб масалада жаҳон мамлакатлари ҳали-ҳануз ўз саъй-ҳаракатларини муштарак мақсадлар сари йўналтириш олимаётгани аён бўлмоқда. Ана шу йўлда 2006 йили БМТга аъзо давлатлар томонидан Бош Ассамблеянинг "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг терроризмга қарши глобал стратегияси" номли резолюцияси имзоланди. Ушбу резолюция аъзо давлатларнинг терроризмга қарши курашиш фаолияти бўйича асосий устувор йўналишларини белгилаб берди. Мазкур ҳужжат терроризмга қарши миллий, диний ва халқаро саъй-ҳаракатларни кучайтиришнинг ўзига хос ёндашувларини акс эттирган.

Терроризмга қарши курашнинг умумжаҳон стратегияси доирасида БМТга аъзо барча давлатлар илк бор терроризмга қарши курашнинг умумий стратегик ва тезкор ёндашуви қўллашга келиши олди ва унга қарши курашишда индидуал ва жамоавий тартибда амалий чораларни кўра бошлади. Стратегияни амалга оширишда аъзо давлатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкилот томонидан 2017 йил 15 июнда қабул қилинган 71/291-сонли резолюция билан БМТнинг терроризмга қарши кураш бошқармаси таъсис этилди. Бошқарма ваколатлари юқорида кўрсатилган стратегия ва Бош Ассамблея резолюциясида келиб чиқади.

2011 йил терроризм ва экстремизмга қарши курашишда минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида яна бир муҳим қадам ташланди. Умумжаҳон терроризмга қарши курашиш стратегияси тамойиллари ва механизмларини қўллаб-қувватлаш мақсадида БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази, Терроризмга қарши тадбирларни амалга ошириш бўйича мақсадли гуруҳи ҳамда Европа Иттифоқининг кўмаги билан илк минтақавий ҳужжат — БМТнинг Марказий Осиёда терроризмга қарши глобал стратегиясини амалга ошириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Ушбу тарихий ҳужжат терроризмга қарши курашиш, бу борада минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда мувофиқлаштиришда кенг қамровли комплекс тадбирларни амалга оширишга хизмат қилмоқда. БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш бу ҳақда тўхталиб, шундай деганди: "Марказий Осиё бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси дунёда биринчи бўлиб яратилган ўзига хос ҳужжат ҳисобланади. Минтақа давлатлари глобал аксилтеррор стратегияни биргаликда амалга оширишида намуна бўлмоқда".

Мазкур қўшма ҳаракатлар режаси Марказий Осиёда терроризмга қарши кураш бўйича умумий тамойиллар ва ёндашувларнинг минтақавий консенсусини ишлаб чиқиш, икки ва кўп тарафлама ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарали механизмларини яратиш имконини берди. БМТ Бош қотибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Наталья Германнинг таъкидлашича, "Минтақавий стратегия ёрдамида Марказий Осиё мамлакатлари моҳиятан самаралироқ мулоқотга киришиши, ўзаро илгор таъриба ва бошқа муҳим маълумотларни алмашиш, халқаро таъриба ва ички салоҳиятини оширишдан икки тарафлама фойда олиш, пировардида, мамлакатнинг яққа ўзи амалга ошириши мумкин

бўлмаган ишларга биргаликда қўрилган чора-тадбирлар орқали эришилши имкониятига эга бўлди".

Айни пайтда минтақанинг барча мамлакатлари терроризмга қарши курашиш бўйича халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олган. Жумладан, Қозғоғистон — 19 та, Туркменистон — 16 та, Тожикистон — 14 та, Қирғизистон — 12 та ва Ўзбекистон — 14 та халқаро ҳужжатни ратификация қилган. Бундан ташқари, минтақа давлатлари ШХТнинг терроризмга қарши ва экстремизмга қарши курашга доир Конвенцияларига қўшилган ҳамда БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Осиё бўйича ўзаро ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш қотибияти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти каби органлар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Натижада терроризм ва экстремизмга қарши курашишнинг самарали тизимлари, мустаҳкам институционал ва норматив-ҳуқуқий базаси ҳамда экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича миллий стратегиялар, дастурлар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунда зарур институционал механизмлар мавжудлиги минтақада терроризмга қарши курашда самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини бериб, қўйидаги асосий вазифаларни ўз ичига олади:

— террорчилик фаолияти билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда ўзаро ҳамкорлик;



— аҳоли эҳтиёжманд қатламлари (шу жумладан, ёшлар, аёллар ва меҳнат бўйича мигрантлар) ўртасида кескин кайфиятларнинг олдини олиш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

— террористик фаолиятга жалб қилинган шахсларни қидириш ва ҳисба олишнинг таъминлаш бўйича қўшма тадбирлар ўтказиш;

— ахборот маконида террористик гуруҳларнинг фаолиятини тўхтатиш, уларга молиявий ва бошқа ёрдам кўрсатиш қаналларига чек қўйиш;

давлатлари раҳбарлари ва халқаро экспертлар томонидан ижобий баҳоланди. Бундан ташқари, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича

Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам равишда ўтказилаётган маслаҳат учра-

ҳамда ўзаро манфаатли асосда ҳаракат қилини таъқозо этади. Маълумки, экстремистик ва террористик фаолият асосан миллатчилик, ижтимоий, диний ҳамда

“ 2021–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Миллий стратегия БМТнинг терроризмга қарши кураш мақсадлари ва вазифаларига тўлиқ мос келади. Стратегияда экстремистлар ва террорчилар томонидан кўпуровчилик фаолиятига қарши курашнинг ижтимоий-иқтисодий омиллари ҳамда экстремизм ва терроризм тарқалишининг олдини олиш масалалари ўз аксини топган.



йича ҳам Марказий Осиё мамлакатлари томонидан қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинган.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон қонунчилигида меҳнат мигрантларини ноқонуний меҳнатга жалб қилишнинг олдини олиш чоралари назарда тутилган. Яъни, ахборот ва маълумотлар базаларига кириш имкониятини кенгайтириш, иш ўринларини яратиш ва ўз ватанига қайтиб келган муҳожирачиларнинг интеграциялашувиغا қўмақ бе-

шувлари бўйича илгари сурган ташаббуси ушбу соҳада қўйилган илк қадамлардан бири бўлди.

Марказий Осиё давлатлари ҳукуматлари Афғонистондаги тинчликка асосланган сиёсий жараёнларни фаол қўллаб-қувватлаган ҳолда, аввалдан афғон инқирозини сиёсий-дипломатик ҳал этиш тарафдори бўлиб келган. Марказий Осиё минтақаси давлатлари томонидан Афғонистондаги можароларни тинч йўл билан ҳал этиш жараёнида мулқо янги дўстона сиёсий муҳитни шакллантириш йўли илгари сурилиши сўнгги йилларда катта аҳамият касб эта бошлади. Хусусан, минтақадаги аксарият мамлакатлар Афғонистон муаммосига бағишланган форумлар, яъни "Қобул жараёни", "Москва формати", "Осиё юраги" — Истанбул жараёни" форуми, Афғонистон бўйича халқаро ҳамкорлик гуруҳи, "ШХТ — Афғонистон" ўзаро алоқа гуруҳи, Афғонистон бўйича минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси ва бошқаларнинг фаол иштирокчилари ҳисобланади. Бундан ташқари, минтақадаги давлатлар Афғонистондаги можароларнинг ўзаро қарама-қарши томонлари ўртасида тинчлик ўрнатиш ҳамда низоини сиёсий йўл билан ҳал этиш бўйича халқаро ёндашувларни ишлаб чиқиш юзасидан тезкор тўхтама келишга қўмақлашиш учун қўшимча мулоқот майдонларини ташкил этмоқда.

Хусусан, 2018 йилнинг март ойида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Афғонистон бўйича тинчлик, хавфсизлик ва минтақавий ҳамкорлик масалаларига бағишланган Тошкент конференцияси ўтказилди. Ҳозирда минтақа давлатлари томонидан Афғонистондаги инфратузилмани ривожлантириш, транспорт-логистика, энергетика, қишлоқ хўжалиги, алоқа-коммуникация ва таълим соҳаларида сармоя киритиш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Ўзбекистоннинг тинчликпарвар, узоқ келажакни қўллаб амалга ошираётган изчил ташқи сиёсати экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги барча давлатлар билан очик ва тенг ҳуқуқли

бошқа радикал-сиёсий гоялар никоҳи остида амалга оширилади. ШХТнинг собиқ бош қотиби Владимир Норов ташкилотнинг Минтақавий аксилтеррорчилик тузилмаси VI халқаро конференциясида "Терроризмга қарши кураш — чегарасиз ҳамкорлик" мавзусида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, экстремизм ва терроризм таҳдидларига қарши курашнинг "Ўзбек модели" қўллаб-қувватлаш мутахассислар эътиборини тортмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасида экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди ҳамда тақомиллаштирилди. 2018 йил июль ойида "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда "экстремизм" тушунчасига аниқ таъриф берилди ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқаролар ўртасида тушунтириш, ҳуқуқий таълим-тарбия ишларини олиб бориш, бу борада илмий-амалий тадбирларни ўтказиш ва халқаро ҳамкорликни амалга ошириш орқали жаҳонда экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари шакллантирилишига алоҳида урғу берилди. Кейинги босқичларда Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши курашиш тўғрисида"ги (2000 й.), "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашнинг таъминлаш тўғрисида"ги (2019 й.), шунингдек, янги тахрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги (2021 й.) қонунлари қабул қилинди.

Ҳозирда Ўзбекистон терроризмга қарши курашиш бўйича икки ва кўп тарафлама халқаро шартномалар иштирокчиси бўлиб, халқаро ҳуқуқ нормалари миллий қонунчиликда ўз аксини топмоқда. Хусусан, БМТнинг терроризм ва унинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш масалаларида бағишланган барча универсал халқаро шартномалари Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси МДҲ ва ШХТ

доирасида имзоланган деярли барча минтақавий халқаро шартномаларнинг иштирокчиси ҳисобланади. Бугунги кунга қадар Ўзбекистон терроризм ва унинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш соҳасида қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқматларро ва идораларо халқаро шартномаларни имзолаган. Қолаверса, мамлакатимиз терроризмга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликнинг яхлит тизимига эга.

Терроризмга қарши курашишда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва қонун устуворлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия террорчилик жиноятларини содир этган шахсларни реабилитация қилиш билан боғлиқ давлат сиёсатини акс эттиради. Ушбу сиёсат тамойилларини қўллаб-қувватлаш фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шу билан бирга, давлат томонидан экстремизм билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда шаффофликни таъминлаш чоралари кўрилувчи бўлиши билан боғлиқ муҳофаза қилиш органларининг матбуот хизматлари оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади.

Мамлакатимизда экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларда мажбурий тарзда айбланувчи бўлган шахсларни декриминаллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2021–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Миллий стратегия БМТнинг терроризмга қарши кураш мақсадлари ва вазифаларига тўлиқ мос келади. Стратегияда экстремистлар ва террорчилар томонидан кўпуровчилик фаолиятига қарши курашнинг ижтимоий-иқтисодий омиллари ҳамда экстремизм ва терроризм тарқалишининг олдини олиш масалалари ўз аксини топган. Қолаверса, Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг таркибий стратегиясида асосий мақсадлардан бири сифатида экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича самарали давлат сиёсатини амалга ошириш белгиланган.

Шу ўринда жорий йил 3–4 март кунлари Тошкентда ўтказилган юқори даражадаги "БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги" халқаро конференциясини алоҳида эътироф этиш жоиз. Тадбир доирасида маҳаллий ва халқаро экспертлар томонидан терроризмга қарши курашнинг мафқуравий, ташкилий, ҳуқуқий, психологик ва техник жиҳатларини тақомиллаштиришга қаратилган долзарб фикрлар билдирилди. Терроризм ва экстремизмнинг олдини олиш муаммоларини ҳал қилишда давлатлар ўртасида конструктив мулоқотни янада ривожлантириш, кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда ягона ёндашуви ишлаб чиқиш борасида тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Муҳокамалар якуни бўйича Тошкент декларацияси ҳамда БМТнинг Марказий Осиёда терроризмга қарши глобал стратегиясини амалга ошириш бўйича янгиланган Қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинди.

Қўшма ҳаракатлар режаси доирасида экстремизм ва терроризмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кескин курашишга қаратилган комплекс чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши жаҳон ҳамжамиятининг ушбу глобал муаммага қарши ташаббус ва мақсадларини ўзида мукжасам этади.

ИЗҶОР

ТУРИЗМ

ДОРИЛАМОН КУНЛАР КЕЛДИ

Сизлар биз учун, аввало, муқаддас она, азиз Ватан, оила тимсоли, битмас-туганмас меҳр, эзгулик ва куч-ғайрат манбаидирсиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан,
таълим, маданият ва спорт масалалари
қўмитаси раиси ўринбосари



Жамиятнинг даражаси, давлатнинг қиёфаси, миллатнинг келажаги аёлга, оналарга бўлган муносабатда очиқ-ойдин кўринади. Бугун илм-фан, техника, технология ақл бовар қилмас даражада ривожланган бир паллада, афсуски, “ўзига тўқ” давлатларнинг барчасида ҳам мўътабар ва мунис аёл зотига бирдек эҳтиром кўрсатилади, деб айтолмайсиз. Бир қарашда демократия даражасининг кенг кўламли паноҳида яшаётган кўринган ва тенг ҳуқуқлиқни бош шир қилиб олган мамлакатларда аслида аёлни эл қатори ишчи, меҳнатчи деб санаш, ўзаро муносабатда “ҳақимни бировга бермайман”, деган шафқатсиз тамойилни кўриш мумкин.

Бизнингча, аёл ким бўлишдан, касби ва иркидан қатъи назар, аввало, она сифатида баҳоланиши ва қадрланиши шарт. Ана шундагина шарқона кўнглимиз таскин топади, орзуманд юракларимиз сокин тин олади.

Қадим дунёнинг ғарб ва шарқ донишманд-даҳолари аёлга муносабат тўғрисида бир олам ҳикматли фикрлар қолдирган. Уларнинг ҳаммаси мантиқан тўғри, рад этиб бўлмайдиган, ҳатто кўчирма қилса арзийдиган қанотли сўзлардир. Аждодларимиз тарихида эса бундай ҳикматларни уларнинг амалий ҳаракатларида ҳам аён кўрамыз. Соҳибқирон Амир Темурининг муҳаббати, эҳтиромга эъзоз қилишда ростгўй муаррихларнинг кўп далолати бор. Шоҳ Бобурнинг мана бу шоҳбайти ҳам ўзбекистоннинг нақадар поқдомонлиги, жоисору мардлигини дарак бериб турибди:

*Сўгин улсам, еттишай арш тоқига бошим,
Даст бергай давлатим, ар тутса илким*

маънашим.

Қаранг, бу эътирофни шунчаки шоири даврон эмас, буюк бир империя асосчиси бўлган шаҳаншоҳ айтди!

Тарихий маълумотларга кўра, Бобур Ҳиндистоннинг катта қисмини эгаллагандан сўнг замон зайли билан фироққа тушган ёри Моҳимбегимни Кобулдан олиб келиш учун навкар ва аёнларини жўнатади. Аёлининг яқинлашиб қолганини эшитган Бобур Мирзо ҳатто отини эгарлашларини ҳам қутмасдан тўрт чақирим йўлни пиёда босиб, истиқболга чиқади. Олисдан Моҳимбегимнинг маховаси кўринган, шоҳ-шоир у томон талпиниб юради. У кўзларида ёш билан соғинч байтларини шивирлаб боради: “Шоҳим элга, вале сенга қулдурум...” Олижаноб бобомизнинг ўз волида-сида, опа-сингилларига кўрсатган эҳтиромни бутун дунёга намуна қилса арзийлик.

Ҳа, бизда аёлларга шохона иззат-икром кўрсатишган. Сўз билан амал бир бўлган. Устозимиз, Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева муайян сабабларга кўра, хонанишин бўлиб, кўп изтиробларни бошдан кечирган. Ҳассос шоиранинг нозик кўнгли озулда бўлиб, бир неча ўқиб шеърлар ёзгани ҳам ахли байтга маълум. Афсуски, мунис опамиз рўшноликка энди етган чоғи умр бевафоллик қилди. Бемор ётган чоғида йўқлаб борсақ, опанинг киртайган кўзлари ёшовсираб, аччиқ хўрсиниб: “Аттанг-а! Энди яшайдиган, шеър ёзадиган давр келувди-я!”, деб армон қилгани ҳамон юрагимизни тилкалайди.

Янги даврда нафақат ижодкор аёлларга юксак эътибор қаратилди, ҳатто ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ҳодиса рўй берди: ноҳақ тазийққа учраган улуг устозларимизнинг гамдида ва фидойи аёлларига ҳам орден-мукофотлар тақдим этилди. Адолат қарор топди: ахир Эркин Воҳидовни, Абдулла Ориповни, Муҳаммад Юсуфни илҳомланган фаришталар шулар эмасмиди?!

Президентимиз БМТнинг юксак минбарига туриб, юртимизда ижтимоий-сиёсий ҳаётда ва тадбиркорлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишлар қатъий давом этирилишини таъкидлаш аслида бутун дунё афкори оммасига қаратилган “ҳазрати аёлга эҳтиром” даъвати деб айтиш мумкин.

Олима бўлиш истагини дилига туккан, илму фан соҳасида камарбаста бўлган, янгидан ҳаёт ато қилинган Фанлар академиясида ғайрат билан илмий изланиш қилаётган опа-сингилларимизнинг қуни тўғди. Улар учун яратилаётган шарт-шароит, миллиардлаб суммадаги кредит

ва молиявий таъминот, турли танловлар фақат моддий рағбатгина эмас, ишонч ва ғамхўрликнинг амалий исботидир.

Президент фармонида кўра, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини кўллаб-қувватлаш миллий дастурининг қабул қилиниши муносабати билан хотин-қизлар учун алоҳида университет ва жойларда билим юртлари ташкил этиш, тааллуқли талаба-қизларга таълим контрактларини тўлаш учун етти йил муддатга фоизсиз кредит бериш тартиби жорий қилиниши, шубҳасиз, соҳанинг гуллаб-яшнашига асос бўлади.

Бугунга келиб, мамлакатимиз бошқарув тизимида аёлларнинг улуши 33 фоизга етган бўлса, бир ярим мингга яқин хотин-қиз турли даражадаги ташкилотларга раҳбарлик қилмоқда. Серғайрат ва ишбилгир опа-сингилларимиз олпига туманда ҳоким вазифасида, юзлаб ҳудудларимизда ўринбосар ва маслаҳатчи лавозимларида баракали ишламоқда. Кўллаб қорхона, банк ва компаниялар, тадбиркорлик субъектларида фаолият юритаётган аёллар юрт равнақида баҳоли қудрат ҳисса қўшапти. Айни шу даврани янада кенгайтириш, давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг улушини кучайтириш мақсадида олти мингдан ортиқ фаол хотин-қиздан иборат кадрлар захираси шакллантирилгани узоқни кўзлаган ислохот тамойилидир. Президентимиз “Бундай замонавий билим ва истеъдодга, етакчилик қобилиятига эга, эл-юртимиз учун фидойи хотин-қизларимиз — халқимиз, миллатимизнинг олтин фонди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди”, деб опа-сингилларимиз иқтидорига адолатли ва мардона баҳо берди.

Мақсадимиз пойдор, кенг кўламли. Биз фақат мамлакатимиз миқёсидагина эмас, балки бутун минтақада аёллар мавқеини кўтариб, уларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашига, чинакам бахту саодатга эришишларини истаймиз. Жорий йилда юртимизда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес форумини ўтказиш режаси ана шундай олижаноб мақсаднинг намунаси экани, шубҳасиз.

2020–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини қабул қилиш ғояси юқоридagi фикрларимизни яна бир бор тасдиқлайди.

Бир ижодкор сифатида қувонамизки, китобхонлик, адабиёт ва санъат масаласи доимо олий даражадаги эътиборда. Шунингдек, ёшлар ҳаётида спорт ҳам алоҳида ўрин тутиши тўғрисидаги қарашлар халқимизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлишига пойдевор яратади. Шу мақсадда жамиятимиз ҳаётида маънавий-маърифий ишларни кучайтириш бўйича янги қарор ва дастурлар қабул қилинди. Уларни ҳаётга татбиқ этишда, албатта, мураббий шарафига эга бўлган доно ва оқила опа-сингилларимизнинг саъй-ҳаракатлари алоҳида ўрин тутди.

Президентимизнинг таъриқ адоғидаги эътирофини ҳар бир юртдошимиз ўз қалби пештоқиға муҳраб олса ва амал қилса, шубҳасиз, ҳамма орзуларимиз тўқис ушалади: “... хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган жамиятда албатта тинчлик, адолат, эркинлик ва фаровонлик бўлади. Аёл бахтли бўлса, оила ва жамият ҳам албатта бахтли бўлади”.

Мақолага нўқта қўяр чоғим найсон ёмғирлари аро шивиллаб, кўкларнинг умидбахш ҳавосида тўлқинлана-тўлқинлана кадрдон қўшиқнинг садолари қўлогимга чалингандай бўлди:

*“Дориламон кунлар келди — шафақлари ол,
Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор...”*

Фориш — гўзал табиати, ноёб ҳайвонот ва наботот олами, мусаффо ҳавоси, баланд тоғлари билан ҳар қандай одамни мафтун этади. Навоий ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Қозоғистон билан чегаралари туташган мазкур туман худудининг нақадар кенглигини тасаввур қилиш мушкул эмас. Бир тарафдан эса “Сахро марвариди” дея таърифланган Айдарқўл тўлқинлари Фориш қирғоқларини ювиб туради.

— Худудимиз экотуризмни ривожлантириш учун бемисл имкониятларга эга, — дейди туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари Ҳаким Тўйчиев. — Айдарқўл, Ухум, Порашт, Можарум, Асраф, Каттабодон, Ёмчи ва бошқа тоғ қишлоқларига ташриф буюрувчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Агар Зомин ва Бахмал туманларига кўпроқ маҳаллий сайёҳлар таш-

мосламалари, телевизорлар билан жиҳозланган. 10 та юртнинг ҳар бири 5 кишига мўлжалланган. Шунингдек, ресторан фаолияти ҳам йўлга қўйилди. — Сайёҳларга барча шарт-шароитларни яратганмиз. Ташриф буюрувчилар кўндан қармоқда балиқ овлашлари, от ва туяларда сайр қилишлари мумкин. Оромдан-йилга кўпайиб бормоқда. Агар Зомин ва Бахмал туманларига кўпроқ маҳаллий сайёҳлар таш-



тахминан 24 метр, баландлиги эса 20 метр. Қадимда ушбу дарахт танасидаги ковак қишлоқ болалари учун мактаб вазифасини ўтаганлиги тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган.

— Узоқ йиллардан буён сайёҳларга хизмат қилиб келаман, — деди “Ҳаёт” оилавий экотуристик маскани раҳбари Нарзулло

кўрсатган бўлса, ҳозир бу йўналишда ўндан ортиқ оилавий уй-меҳмонхоналари ташкил этилди. Рақобат бўлган жойда юксалиш ҳам бўлади. Энг муҳими, одамларимиз иш билан таъминланмоқда.

Очиги, шаҳардан чарчаган одам учун қишлоғимизнинг гўзал табиати, бетакор ўсимлик ва ҳайвонот олами завқ беради.

БЕТАКРОР ТАБИАТИ, МУСАФФО ТОҒ ҲАВОСИ, НОЁБ ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ

Форишга ташриф буюрувчиларнинг ҳайрат ва қизиқишини янада ортирмоқда

риф буюраётган бўлса, Форишга асосан чет эллик меҳмонлар келяпти. Хусусан, пандемиядан олдин, яъни 2018-2019 йиллар мобайнида 8240 нафар хорижий турист ташриф буюрган. Очигини айтиш керак, ўша йилларда туманимизда кўп сайёҳларни қабул қилган даврани янада кенгайтириш, давлат ва жамият мақсадида олти мингдан ортиқ фаол хотин-қиздан иборат кадрлар захираси шакллантирилгани узоқни кўзлаган ислохот тамойилидир. Президентимиз “Бундай замонавий билим ва истеъдодга, етакчилик қобилиятига эга, эл-юртимиз учун фидойи хотин-қизларимиз — халқимиз, миллатимизнинг олтин фонди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди”, деб опа-сингилларимиз иқтидорига адолатли ва мардона баҳо берди.

Айтишим керакки, Президентимизнинг 2019 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони юртимизда, жумладан, Фориш туманида ҳам туризмнинг жадал ривожланишига катта туртки берди. Чунки мазкур ҳужжатда Жиззах — Фориш йўлининг 60 километр қисмини реконструкция қилиш, шунингдек, тумандаги Ухум, Ҳаёт, Можарум, Асраф қишлоқлари, “Можарум” экотуризм объекти, “Хонбанди” тарихий маскани, “Тоғ алқорлари буюртмаҳонаси”, “Нурота” давлат кўриқхонаси, “Бирлашган” соғломлаштириш маскани, “Oxus Adventure” туристик комплексини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш зарурлиги, йўл ва бошқа инфратузилмаларни яхшилаш вазифаси қўйилган.

Айдарқўл ҳавзаси бўйида “Oxus Adventure” масъулияти чекланган жамияти томонидан экотуризм ихлосмандлари учун 10 та кемпинг ҳамда 10 та юрта бунёд этилди. Улар иситиш ва совитиш

масъулияти чекланган жамияти раиси Дониёр Қаландаров. — Яқин келажақда Айдарқўл бўйида яна икки қаватли меҳмонхона, сауна, 30 та коттеж, автодоро, балиқ овлаш худудлари, футбол ва болалар майдончалари, 100 та автотураргоҳ, қўшимча яна 30 та юрта қуриб, 150 кишини иш билан таъминламоқчимиз.

Можарум қишлоғининг хушманзара табиати, мафтункор болалар бошқа худудлардан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ушбу қишлоқдаги арча дунёнинг энг қадимий игна баргли дарахтларидан бири саналади. Маҳаллий аҳолининг айтишича, ушбу дарахтнинг ёши тахминан 3 минг йилга тенг. “Нурота” давлат кўриқхонаси худудидаги қадимий масжид олдидидаги ушбу улкан арча ўзининг сири таровати билан бу ерга келувчиларни ҳайратга солади. Арча танасининг диаметри



Мусаев. — Уйимиз тоғ ёнбағрида — “Нурота” кўриқхонаси чегарасида жойлашган. Ёнимизда “Тоғ алқорлари буюртмаҳонаси” мавжуд. Мазкур масканга Англия, Германия, Франция, Россия, Италия, Малайзиядан кўп сайёҳлар ташриф буюради. Улар асосан қишлоғимизнинг бетакор табиати, тоғ алқорлари ва қоятошлардаги петроглифларни кўришга қизиқиб қолаверса, отда айланиш, ни, қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи билан яқиндан танишишни хуш кўради. Сўнгги йилларда ташриф буюрувчилар учун қатор қулайликлар яратилмоқда. Хусусан, худудимизга элтувчи йўллар тазмиранди. Илгари атиги икки тадбиркор сайёҳларга хизмат

Тоза ҳаводан бахраманд бўлиб, тоғларда сайр этиш, мириқиб дам олиш учун жозибали маскан ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юртимизда сайёҳликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишловимизнинг бетакор табиати, тоғ алқорлари ва қоятошлардаги петроглифларни кўришга қизиқиб қолаверса, отда айланиш, ни, қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи билан яқиндан танишишни хуш кўради. Сўнгги йилларда ташриф буюрувчилар учун қатор қулайликлар яратилмоқда. Хусусан, худудимизга элтувчи йўллар тазмиранди. Илгари атиги икки тадбиркор сайёҳларга хизмат

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 666
88510 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоли келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎА якуни — 21:25 Топширилди — 23:40

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзловлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz